Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 148 (13.211)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига республикамиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан халқимиз номига йўлланган табриклар келмоқда. Уларда самимий қутловлар ва эзгу тилаклар билан бир қаторда, юртимиз истиқлол йилларида турли жабҳаларда қўлга киритган салмоқли муваффақиятлар ҳам алоҳида эътироф этилаяпти. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Дэйна РОРАБАХЕР,
АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Европа, Евроосиё ва юзага келадиган хавфхатарлар бўйича кичик қўмитаси раиси, Калифорния штатидан конгрессмен:

— Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон барқарор ҳамда гуллаб-яшнаётган мамлакатга айландики, тараққиётнинг бундай модели қўпгина давлатлар учун яққол намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Президент Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли республика халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларининг минтақадаги энг муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат дўстона муносабатларни ривожлантиришда давом этаётир. Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масалаларига мутасадди бўлган парламент аъзоси сифатида Вакиллар палатасида Марказий Осиё бўйича ташаббус гуруҳи яратилишига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман. Бундан ташқари, конгрессменлар делегацияси парламентлараро алоқаларни ва бошқа йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш мақсадида яна юртингизга боришни мўлжалламоқда.

Ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланган ҳолда, қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон аҳолисига ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этишни истардим. Халқларимиз манфаатлари йўлида муносабатларимиз янада чуқурлашишига умид қиламан.

Хартмут КОШИК,
Германия Бундестаги аъзоси, ГФР Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги кўчиб келганлар ва миллий озчилик масалалари бўйича мамлакат федерал ҳукумати вакили:

— Германия Федератив Республикаси 1991 йил 31 август куни ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистонни биринчилардан бўлиб тан олган ҳамда Тошкентда ўз элчихонасини очган мамлакатлардан биридир.

Ҳademай истиқлолининг 25 йиллигини нишонлайдиган халқ тарихи илдизлари асрлар қаърига бориб туташади. Унинг маданий мероси эса умумбашарий аҳамиятга молик.

Шуни мамнуният билан қайд этаманки, изчил равнақ топиб бораётган икки томонлама алоқалар заминингизда яшаётган немис диаспораси фаровонлигига ҳам хизмат қилмоқда. Мустақиллик барча миллат ва элатлар вакилларининг эркин ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Яқин кунларда энг улуғ, энг азиз байрамимиз мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан юртимизнинг барча гўшаларида байрамолди тадбирларию тантаналар бошлаб юборилган.

БОҒДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ





Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтказилаётган байрам тадбирларида истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртдошларимизга етказиш, мустақилликнинг нечоғлик улуғ неъмат эканлигини ёш авлод қалбига сингдириш, уларни улкан ютуқ ва марралар сари руҳлантиришга эътибор қаратилган.

Пойтахтимизда ҳам "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманларида мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни ўзида мужассам этган кўргазмалар, фототасвирлар, халқ амалий санъатининг дурдона намуналари намойиш этилди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, хусусан, Тошкент шаҳрининг кун сайин чирой очиб бораётгани, қилинаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб ўтдилар.

(Давоми 3-бетда)



ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Республикамиз мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда бўлгани каби маҳалла тизимининг ҳам янги истиқболига йўл очилди. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш тизимининг мавқеи янада мустаҳкамланди, маҳалланинг янги-янги имконият ва қирралари очилиб, элу юрт ривожи йўлида хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одат, анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган. Маҳалла идораси мустақиллик йилларида ноёб ижтимоий тузилма сифатида шаклланиб, "Маҳалла – халқ виждони" деган юксак таърифга эга бўлди.

"Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, уларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллалар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонова, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳалла институтининг иштироки тобора кенгайиб бораётганини таъкидлаб ўтишди. Ҳозирда маҳалла идоралари учун янги бинолар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланиб, замонавий мебель ва техника билан таъминланмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ҳамда моҳияти ва аҳамияти йилдан йилга тобора ортиб бораётган мазкур танлов фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, тизим фаоллари билим ва малакасини ошириш, илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришда ва тизим ходимларининг фаоллигини оширишда ҳар йили ташкил этиб келинаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. — Айни вақтда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 505 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, миллий қадриятларни асраш ва ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш сингари эзгу ишларга бош-қош бўлиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг туман бўлинмалари томонидан туман ҳокимликлари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кенг қамровли вазифалар ижросини самарали таъминлашга услубий-амалий кўмаклашиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Маҳалла" фонди томонидан 43 та фуқаролар йиғинлари мебель жиҳозлари, 30 таси замонавий компьютер жамланмаси билан таъминланди. 21 та фуқаролар йиғинининг биноси жорий таъмирланди, 19 та маҳалла идораси реконструкция қилинди. Айни пайтда фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 34 та болалар майдончалари таъмирланди, 3 та замонавий болалар майдончалари эса намунавий лойиҳа асосида барпо этилди. 51 та фуқаролар йиғинининг биноси, шунингдек, маҳаллаларда 46 та гўзаллик салонларини мустақиллик байрами арафасида ишга тушириш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда салбий экологик оқибатларнинг олдини олишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш самаралари мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари масъул ходимлари, мутахассислар, хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

• Фарғонада "Ўзархив" агентлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Биз – 25 ёшдамиз!" шиори остида "Республика ёш архивчилар форуми" ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар иштирок этди.

• Нукусда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

• Навоийда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан "Салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Fasebook компанияси Aqila қуёш батареялари ўрнатилган ўзининг учувчисиз бошқариладиган самолётининг муваффақиятли синовларини ўтказди.

• Парагвайда "Янги альянс" операцияси чоғида Амамбай департаментининг ўрмонларидаги бевосита плантацияларнинг ўзидан 444 тонна марихуана гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинди.

• Хитойнинг робототехникага асосланган "Ифен" заводи мутахассислари ресторан, меҳмонхона ва бошқа дам олиш масканларига ташриф буюрувчиларнинг автоуловларини белгиланган ҳудудга олиб бориб қўювчи автоматлаштирилган қурилма яратди. Қурилма лазерли навигация ёрдамида тирбанд ҳудудларни аниқлайди ва тиқилинчда қолган машиналарни ўз манзилига элтиб қўяди. Транспорт воситаларини бир-биридан беш миллиметр узоқликда жойлаштиради.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатингиздаги миллатдошларимиздан келаётган кўп сонли мактублар орқали шуни яхши биламанки, улар Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади ҳамда унинг ободлиги йўлида елкама-елка туриб меҳнат қилишаётир. Немис диаспораси у ерда муносиб ўринга эга бўлиб, ўзларини мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида ҳис этишади.

Германия федерал ҳукумати давлатингизни ўзининг кучли ва ишончли шериги деб билади.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда халқини мустақилликнинг 25 йиллик айёми билан самимий қутлар эканман, немис жамоатчилигига нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрлиги, шунингдек, самарали ҳамкорлиги учун миннатдорлигимни изҳор этаман. Халқингизга бардавом бахту иқбол ва фаровонлик тилайман.

Ярек ЗОЖЕФЧИК,
“SARO” энергетика компанияси раҳбари (Польша):

— Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий институтлар ҳамда фуқаролик жамияти тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли тараққиётга эришди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тараққиётининг юқори даражаси, аҳолининг фуқаро сифатидаги фаоллиги ҳамда унинг ҳуқуқий маданияти, қолаверса, ёшларнинг катта интеллектуал салоҳияти барқарорлик ва изчил фаровонлик сақланиб қолишининг кафолати ҳисобланади.

Янги автомобиль ҳамда темир йўлларининг қурилиши, мавжуд транспорт йўлакларини реконструкция қилиниши, юк ва йўловчи ташиш самарадорлигининг ошиши республиканинг хорижий давлатлар билан экспорт-импорт алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Кўпгина мамлакатлар Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни қуриш, бизнесни равнақ топтириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга интилади. Республика минтақанинг турли русумдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқарадиган ягона мамлакати ҳисобланади. У ердаги замонавий автосаноат мажмуи тараққиётнинг, миллий иқтисодиётнинг салмоқли салоҳияти рамзидир.

Ўзбекистон янгидан-янги чўққиларни забт қилгани ҳамда жамиятда бирдамликни сақлагани ҳолда, юксалиш йўлида ишонч билан одимлаётир.

Ризар НОВИК,
Люблин воеводаси Экспортчилар уюшмаси президенти (Польша):

— Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг сиёсий ва иқтисодий тараққиётга эришиш борасида тўғри стратегияни танлаган. Шуниси қувонарлики, республикада кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат бозори, аҳоли даромадларини ошириш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари нуқтаи назаридан катта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон истиқболли мамлакат ҳисобланади.

Банк-молия тизими ҳамда иқтисодиёт реал сектори тармоқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ислоҳотлар ижобий самараларини бераяпти. Рақобатдошликни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Майкл ЛИ,
“Xing Asia Travel” сайёҳлик компанияси директори (Сингапур):

— Диёрингиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ўлканинг ноёб табиати, бой тарихи ва ўзига хос маданияти уни туристлар учун севимли гўшага айлантирган. Республиканинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани ҳамда турли давр ва цивилизацияларга хос 7000 дан зиёд ёдгорликлар мавжудлиги сайёҳлик тармоғи изчил тараққий этишида муҳим мезон бўлаётир.

Мустақиллик йилларида кенг қамровли ижобий ўзгаришлар рўёбга чиқарилгани туризм инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш имконини яратди. Жумладан, жаҳондаги илғор андозаларга мувофиқ, барча қулайликка эга меҳмонхоналар, аэропортлар қурилди ҳамда замонавийлаштирилди. Кўпгина маданий-тарихий обидалар таъмирланди, сервис хизмати кўрсатиш юқори даражага кўтарилди.

Пировардида юртингизга иштиёқманд саёҳатчилар оқими ўсиб бормоқда. Компаниямиз ҳам 2014 йили Ўзбекистонга сайёҳлар гуруҳлари мунтазам жўнатилишини йўлга қўйди. Сингапурликлар нафақат юртингиз табиати гўзаллиги ва бой тарихидан, балки ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари, очиққўнгиллиги, меҳмондўстлиги, шунингдек, бетакрор миллий таомларидан баҳраманд бўлиб, унутилмас таассуротлар олиб қайтишади.

Бу йил Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 25 йиллик тантанасини кенг нишонлайди. Ишончим комилки, чорак аср давомида қўлга киритилган муваффақиятлар бундан кейин ҳам барча йўналишда изчил равнақни таъминлайди.

Ўзбекистонликларни мазкур қутлуғ байрам билан самимий мубораксбод этаман.

“Жаҳон” АА



ҲУНАРМАНД ЁШЛАР ОИЛА ЗИЙНАТИ

Ҳар бир даврда касб-ҳунар жуда ҳам улуғланган. Халқ донишмандларидан бири: “Эй фарзанд, агар оқил ва доно бўлай десанг, ҳунарманд бўлишни ўйла. Ҳунармандчилик сабабидан иззат ва ҳурматга эришасан, агар ҳунардан бебаҳра бўлсанг, қуруқ соясиз дарахтга ўхшаб қоласан. Эй фарзанд, ақлли, фаросатли ва илм-у ҳунарли кишилар билан дўст бўл, ҳунарсиз кишида хосият бўлмайди. Меҳнатдан, илм-ҳунар ўрганишдан узоқлашма”, — дейди.

Жуда кўп улуғлар ҳунарманд бўлганлар, жумладан, ҳазрати Довуд — темирчи, Форобий — боғбон, Саккокий — пичоқчи, Завқий — маҳсидўз бўлган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мискарлик билан тирикчилик қилган.

Ҳозирда ер юзида 500 мингдан ортиқ касб бўлиб, барчаси одамлар учун хизмат қилади. Агарда ёшлар шу ҳунарлардан бир нечтасини ўрганиб, эл-юрт олдида ўз касбининг устаси бўлиб, танилса, ризқи бутун бўлади.

...Шайхонтоҳур туманининг “Оқлон” маҳалласида яшовчи кулоллар Акбар ва Алишер Раҳимов устахонаси доимо одамлар билан гавжум. Уларнинг хонадони ва устахонасидаги турли даврларга мос усулда ишланган бежирим сопол буюмлар ҳар қандай кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади. Шу боис бу ерга келган юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар ранг-баранг, мафтункор амалий санъат намуналарини севиб харид қилади.

Шоҳсанам Раҳимова ана шу сулоланинг еттинчи вакиласи.

– Кулоллик нозик касб. У инсондан юксак дид, қунт ва сабр-тоқат талаб этади, – дейди Шоҳсанам Раҳимова. – Лойдан ясалган турли-туман буюмларни кўрганда, уларнинг бежиримлигидан ҳайратга тушамиз. Бу кулолнинг ўз меҳнати, ишига бўлган меҳрининг самараси. Ҳозир ўзим ясаётган шундай буюмлардан завқланаман. Ота-боболарим каби сопол буюмлар ясаш, уларга ранг ва безак беришдек қадимий анъаналарни давом эттириб, жаҳонга кенг тарғиб этиш ниятидаман.

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонига асосан соҳа вакилларига солиқ бўйича имтиёзлар берилгани, уларнинг мамлакатимиз ва хорижда ўтказилаётган турли танлов ва кўргазмаларда иштирок этиши учун имкониятлар яратилгани ва бошқа рағбат ҳамда омиллар ҳунармандликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари очиш имконини бермоқда. Натижада уй шароитида амалий санъат буюмларини ишлаб чиқараётган усталар сафи тобора кенгаймоқда.

2006 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Раҳимовлар кулоллик мактаби”да устоз-шогирд анъанаси асосида кўплаб ҳунармандлар тайёрланмоқда. Бугун бу ерда турли даврларга оид ўн саккиз йўналиш ва услубда нафис буюмлар ишланмоқда.

Уста-ҳунармандлар ишларида ўзбек амалий безак санъатининг қадимий анъаналар ва замонавийлик уйғунлиги яққол намоён бўлмоқда. Шарқона безакдорлик, ўзига хос ранглар мутаносиблиги, тўлқинсимон, кесма чизиқли, ҳалқасимон гулли, жонивору ўсимликлар тасвири халқимизнинг ҳаёт, борлиқ, коинот ҳақидаги қарашлари ифодасидир. Бу ерда жамланган асарлар шакли ва ижро усулига кўра ўз даврининг энг юксак анъаналарини бойитиш асосида заминимизда ўзига хос мактаблар шаклланганидан дарак беради. Айни вақтда мазкур миллий анъаналар ёш авлод томонидан муносиб давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон санъат арбоби, сулолавий кулол, академик Акбар ва Алишер Раҳимовлар хонадонида вояга етаётган Шоҳсанам мана ўн йилдирки, ўзи баҳра олган гўзалликни асарлари орқали бошқаларга етказишга ҳаракат қилмоқда.

— Хонадонимизда кўплаб даврларга тегишли кулолчилик буюмлари, масалан, X аср Сурхондарё, X-XI асрлар Бухоро кулолчилик услуби, кулолчилик ва ипак мато санъати нақшлари уйғунлигида яратилган буюмлар, XV-XVI асрларда Темурийлар, I-III асрларда Кушон кулолчилик услубида яратилган асарлар ва турли ноёб экспонатлар мавжуд, — дейди Шоҳсанам. — Отам Алишер Раҳимов Тошкентда қадимда машҳур бўлган ва айни пайтга келиб унутилаёзган “қошғарий” услубини қайта тиклашга эришди. Мен ҳам уларнинг йўлидан бориб каштадаги гўзал нақшларни керамикада акс эттириш учун “Анорқуш” композицияси устида изланишлар олиб бормоқдаман.

Ёш кулолнинг бу мавзуга мурожаат қилиши бежиз эмас. Зеро, одамлар орасида анор Шарқ тимсоли, донолик, тўкин-сочинлик ва бирлик рамзи ҳисобланади. Шоҳсанам яратаётган сопол идишлардаги турфа ранглар, услублар, шакл ва ҳажмларда ишланган анор тасвири асосий мавзусидир. Бу ерда сўзана нақшлари, абстракт расмлар, идишларга туширилган тасвирлар — ҳаммасида Шарқнинг асосий рамзи саналган анор тасвирини кўриш мумкин.

Машҳур кулоллар сулоласининг еттинчи вакиласи шарқшунослик лицейдаги таҳсилини битиргач, келгусида япон тили бўйича мутахассис бўлиш учун ўқишини яна давом эттириш ниятида. Шунингдек, аждодлари юмушини ҳам давом эттирмоқчи.

Зиёда ВОҲИДОВА

“САВДО ВА ХАВФСИЗЛИК” КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ҳамкор ташкилотларнинг таклифига биноан Вазирлар Маҳкамасининг 21 июлдаги қарорига асосан савдо соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларни янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ўртасида Тошкент шаҳри миқёсида илк бор икки босқичда “Савдо ва хавфсизлик” кўрик-танлови ўтказилади.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган брифингда маълум қилинди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Турдиқулов, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Улуғбек Абдуллаев ва бошқалар ушбу танловнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида маълумот беришди. Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз йилдан йилга чирой очмоқда. Савдо ва умумий овқатланиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Шундай бир шароитда тадбиркорлик субъектларининг аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ҳамда жамоат хавфсизлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Барчамизга маълумки, савдо ва умумий овқатланиш тузилмалари ҳамиша гавжум бўлади. Бундай жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш эса долзарб масаладир. Қарорга кўра, кўрик-танлов иштирокчилари хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш борасидаги ютуқлари билан бирга харидорлар хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологиялар (видеокузатув камералари, металодетекторлар, автоматик тарзда ишга тушадиган ёнғинга қарши қурилмалар)дан фойдаланаётганини амалда намойиш этишлари керак. Шунингдек, танлов ғолибларини аниқлашда аҳолига хизмат кўрсатишда санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этилиши, тиббиёт хоналарининг мавжуд қоидаларга мос жиҳозланиши, эвакуация режасининг мукаммаллиги, автотураргоҳларнинг қулайлиги, қўриқлаш хизмати ходимларининг касбий малакаси, фавқулодда ҳолатларда шошилинч хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан тезкор ҳамкорлик, ёндош ҳудудларнинг ободонлаштирилиши масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинади.

“Энг яхши йирик савдо объекти”, “Энг яхши ўрта савдо объекти”, “Энг яхши савдо объекти”, “Энг яхши ресторан”, “Энг яхши кафе”, “Энг яхши чойхона” каби номинациялар бўйича ўтказиладиган ушбу танлов соҳага замонавий технологияларни татбиқ этишни рағбатлантириш, давлат стандартлари, санитария-гигиена, ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатлар, қоида ва талабларнинг бажарилишига, шохобчаларга ёндош ҳудудларнинг ободонлаштирилишига хизмат қилади. Брифингда ушбу танловда ресторан, бар, кафе, чойхона каби умумий овқатланиш шохобчалари, бозор, гипермаркет, супермаркет, минимаркет, киоск шаклидаги барча тадбиркорлик субъектларининг қатнашиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

“Савдо ва хавфсизлик” кўрик-танловининг ғолиб ҳамда совриндорлари Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида муҳташам “Туркистон” саройида тақдирланади.

З.ШАРИФЖОНОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОРЛАР КЎРИГИ

Ёшлар ижод саройида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан “Мустақилликка менинг ҳиссам” шиори остида “Ишбилармон ўқувчи – 2016” стипендияси учун кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ташкил этилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб тадбиркорлик соҳасида юқори ютуқларга эришган ишбилармон ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни бу борадаги қобилиятини рўёбга чиқариш мақсадида ўтказилган танловда туман ва шаҳар босқичларида юқори ўринларни қўлга киритган коллеж ва академик лицейларнинг 30 нафар ўқувчиси қатнашди.

Танловда иштирокчилар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этиб, бизнес лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

Ёшлар юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга оид суҳбат ва савол-жавоблар орқали соҳага доир билимини мустаҳкамлаш баробарида уларга ўз лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш бўйича бир қатор таклифлар ва тавсиялар берилди.

Кўрик-танловда шунингдек, тақдим этилган лойиҳалар асосида юқори натижаларга эришган, тадбиркорликка иштиёқи баланд, ишбилармон, шижоатли, изланувчан, фаол ва ташаббускор ёшлар ўзларининг тадбиркорлик бўйича эгаллаган билимларини синовдан ўтказди.

— Ёшлар бизнинг истиқболимиз, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сарвархон Иброҳимхонов. — Шу боисдан юртимизда ҳар томонлама етук ва баркамол ёш авлодни вояга етказиш, уларни жамиятда муносиб ўрнини топиши, ўз истеъдод ва иқтидорларини тўла намоён этиши учун яратилаётган шарт-шароитларда жисмонан соғлом, маънан етук, ақлан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ҳукм суради. Айниқса, бу жараёнда партия томонидан илгари сурилаётган қатор лойиҳалар эса ёшларни ўз истеъдодларини амалда намоён этишига кўмаклашишда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда пойтахтимиздаги 120 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур танлов ёшларнинг тадбиркорликка жалб этиш ва қобилиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими танлов, ёшларни мамлакат ривожи учун бир ёқадан бош чиқариб, юртимиз иқтисодиёти ўсиши йўлидаги изланиш ва иқтидорларини амалда намоён этишида ўз самарасини бераяпти.

Танловда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш ҳамда жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга доир фаолиятни янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар хусусида ҳам фикр алмашилди.

— Мазкур танловда 1-ўринни эгаллаганим, менга ишонч билдирганларидан беҳад хурсандман, — дейди Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Назокат Акбарова. — Билдирилган ишонч ва рағбат мени янада сидқидилдан фаолият олиб боришга, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишимга туртки бўлди. Гиламдўзлик йўналиши билан 4 йилдан бери шуғулланиб келаман. Момомерос ҳунарга бўлган меҳр-муҳаббатни онам уйғотган. Ҳозирда тўрт нафар шогирдимга гиламдўзликнинг сир-асрорларини ўргатмоқдаман. Келгусида коллежни тамомлаб, банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишни режалаштирганман.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг иш фаолиятидан келиб чиқиб, адолатли баҳолаб боришди. Юқори ўринларга муносиб деб топилган иштирокчиларга танловнинг ғолиби сифатида республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди.

(Ўз мухбиримиз)

КИНО СОҲАСИ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан кинематография соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров, парламент қуйи палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 16 мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожида муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети ҳисобидан 15 бадиий, 20 ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 анимацион фильм, 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар яратилмоқда. Улар халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, дунёқарашини кенгайтириш ва огоҳлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда соҳада эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани ҳам қайд этилди. Айниқса, замонавий қаҳрамон образини яратиш, олий таълим масканларида кинодраматург ва режиссёрларни тайёрлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Соҳага оид қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш, унда миллий ва халқаро тажрибани чуқур ўрганиш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ



БОҒДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

– Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқ таълими тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди, келажак авлодни ҳам жисмонан, ҳам ақлан етук қилиб вояга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилди, – дейди Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходими Робия Мамбетова. – Янгидан янги таълим муассасалари барпо этилиб, эскилари реконструкция қилинди. Барча мактабларнинг моддий-техника базаси яхшиланиб, ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланди. Хуллас, келажак авлод вакилларининг таълим олишлари учун барча имкониятлар яратилди. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларимиз кўплаб халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгалламоқдалар. Албатта, буларнинг бари, юртимиздаги тинчлик-осойишталикдандир.

Тадбирда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда Халқ таълими бош бошқармаси томонидан бир қатор ишчи-хизматчилар ва ходимлар тақдирланди.

– Дунёнинг ҳеч бир ривожланган мамлакатини Ўзбекистонимизга тенглаштира олмайман, – дейди Бектемир туманидаги Зилола номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳим Аҳмедов. – Ҳа, улар анча тараққий этган бўлиши мумкин, аммо Ўзбекистонни тан олишга мажбур бўлмоқда. Бугун мамлакатимиз жуда кўплаб йўналишлар бўйича етакчи давлатлар қаторидан жой эгаллаб турибди. Энг асосийси юртимиз тинч, маҳалламиз обод, фуқароларимиз бир бирига меҳрибон, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда. Менинг наздимда, шунинг ўзи энг катта бойлик ва ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган неъматдир.

Турли номинациялар бўйича давлат мукофоти совриндорлари, спорт усталарининг чиқишлари, театр актёрлари, фольклор жамоалари, ёш ижрочилар иштироки ва эл суйган санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар байрам тадбирининг янада қизиқари ўтишини таъминлади.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов
олган суратлар

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танлов ўзгача кайфият ва қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтди. Унда туман босқичида ғолиб бўлган жами 11 та фуқаролар йиғинлари иштирок этди. Мазкур босқичда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида эришилган ютуқ ва натижалар, ижобий иш тажрибалари қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Шу билан бирга уларнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари, "Ота-оналар университетлари" фаолиятини самарали ташкил этиш, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида амалга оширилган ишлар атрофлича ўрганилди.

— Маҳалла – бу халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган маскан, — дейди танловда 2-ўринни эгаллаган Чилонзор туманидаги "Новза" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мансур Сиддиқов. — Маҳалламизда турли миллат вакиллари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Аҳолимиз юртимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудида. Мустақиллик инъом этган озод ва обод Ватанга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Танловда "Маҳаллада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш масалалари" йўналишида иштирок этдик. Бу борада маҳалламизда ижобий ишлар амалга оширилди. 64 та кузатув камералари ўрнатилди. Натижада турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, чиқинди-ларни дуч келган жойга ташлашларга чек қўйилди. 52 та кўп қаватли уйларнинг томлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Маҳаллада бўш турган ҳудудлар кўкаламзорлаштирилиб, жойларда болалар майдончалари, иккита "Камолот" боғи, тўртта ёшлар ва қариялар учун дам олиш масканлари ташкил қилинди.

Иштирокчи фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш фаолиятида учрайдиган саволларга берган жавоблари, дунёқараши ва ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди. Шунингдек, маҳаллаларни комплекс ривожлантириш, соҳага оид илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, айни пайтда яратилган кенг имкониятлардан нечоғли тўғри фойдаланилаётгани, фаолиятни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатлари ижроси, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини таъминлашга оид ишлари сарҳисоб қилинди.

Бевосита танлов тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, иштирокчилар 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Дастлаб замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намойиш этилган, уларнинг ҳудудда амалга ошираётган эзгу ишлари, бу борада қўлга киритган ютуқлари ва намунали иш тажрибаларини акс эттирган тақдимотлари ҳакамлар ҳайъати томонидан чуқур таҳлил қилинди. Хусусан, жойларда маънавий муҳитни қарор топтириш, маърифий ишларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларга эътибор қаратилди. Иккинчи ва учинчи шартда иштирокчиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига оид билимлари, улар фаолиятида учраётган турли масалаларнинг ечимини топиш юзасидан малакаси, дунёқараши синовдан ўтказилди.

Ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринга Яшнобод туманидаги "Тонг" маҳалла фуқаролар йиғини муносиб деб топилди ва танловнинг Республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ўрин Чилонзор туманидаги "Новза" маҳалла фуқаролар йиғинига ва учинчи ўрин Юнусобод туманидаги "Тикланиш" маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди.

Танлов муносабати билан Тошкент шаҳрининг 11 та туманида ғолиб деб топилган фуқаро йиғинларида оилавий бизнес асосида фаолият юритаётган ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини акс эттирувчи фото-альбомлар, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишларга доир кўрсаткичлар, йиғинлар ҳаётини акс эттирувчи стендлар кўргазмаси ташкил этилди.

Эл севган санъаткорларнинг чиқишлари, дилрабо куй-қўшиқлари танловга байрамона шукуҳ бағишлади.

Кўтаринки руҳда ва қизиқарли тарзда ўтган танлов сўнгида ғолиб ва номинациялар совриндорларига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
СУРАТДА: "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг шаҳар босқичидан лавҳа

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФОРУМИ

Пойтахтимизда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида "Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусида бошланғич таълим ўқитувчиларининг республика форуми ўтказилди.

Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан 400 нафарга яқин бошланғич таълим ва инглиз тили ўқитувчилари, вилоят ва туман методистлари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари ҳамда "Маҳорат мактаблари"нинг тренерлари иштирок этди.

Юртимизнинг барча гўшаларидан келган илғор ва тажрибали ўқитувчилар Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ташкил этилган она тили, ўқиш, математика, табиатшунослик, инглиз тили, меҳнат фанларидан 12 та намунавий машғулот ва маҳорат дарсида иштирок этиб, ҳамкасбларининг тажрибаси билан танишиш ва маҳоратини кузатиш имкониятига эга бўлди.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда эса "Рақамлар тилга кирганда", "Табиатни асраймиз", "Нақшларда ранглар жилоси", "Эртаклар — яхшиликка етаклар", "Сеҳрли бармоқчалар", "Мен орзу қилган касб" каби мавзуларда намунавий очиқ дарслар ташкил этилди. "Happy English" тўгарагида ёш педагог Дилафрўз Сайфуллаева ўқувчиларига инглиз тилида рангларни қувноқ тарзда ўқитиш тажрибасини намойиш этди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг катта мажлислар залида форумнинг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманни халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов "Бошланғич таълим мазмунини модернизациялашнинг амалий натижалари ва истиқболлари" мавзусидаги маърузаси билан очиб берди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, педагогика фанлари доктори Шавкат Шарипов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Шуҳрат Қаюмов, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Марҳабо Қурбонова мамлакатимизда ўқитувчилик касби, устоз-мураббийлик мақоми тобора улуғланиб, самарали фаолияти учун барча шароитлар яратилгани, бу эса ҳар бир муаллим зиммасига масъулият юклаши зарурлиги ҳақидаги самимий фикрларини баён этди.

Ялпи йиғилиш якунида энг фаол ва ташаббускор бошланғич таълим фидойиларига "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Форумнинг "Бошланғич таълим жараёнига янги авлод дарслик мажмуалари ва замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш: муаммо ва ечимлар", "Бошланғич таълимда чет тили ва бошқа тилларни ўқитишнинг инновацион технологиялари", "Баркамол авлодни маънавий етук қилиб тарбиялашда бошланғич таълимнинг ўрни", "Бошланғич таълим тизими педагог кадрларининг касбий компетенцияларини ошириш ҳамда таълимни модернизация қилишда уларнинг педагогик маҳоратларини шакллантириш масалалари" мавзуларидаги шўъба йиғилишларида соҳага оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтган форум якунида бошланғич таълим жараёнида ўқув-тарбия сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган бир қатор долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Озода РЎЗИҚУЛОВА

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҲАМ ЎТКАЗИЛДИ

Чилонзор туманидаги 178-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Юлдузча" номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳи тарбияланувчиларининг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

"Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда ёш авлоднинг Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда давлатимиз рамзлари, унинг маъно-мазмуни ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, тумандаги 2-Тошкент юридик коллежи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови ғолиби Фатхулла Сагдуллаевнинг мавзу юзасидан маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда сўз олганлар мустақил диёримизда ёшларга яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, диний экстремизм ва террористик оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун доимо огоҳ бўлишлари муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

Якунда ўқувчилар билан мавзу юзасидан саволжавоблар, баҳс-мунозаралар ташкил этилиб, ёшларнинг сиёсий онгини ошириш мақсадида тест синовлари ҳам ўтказилди.

Зарина РУСТАМОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вазирлик тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

МУҚАДДАС ВАТАН ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари А.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган қўшиқлар яратилишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу йилги кўрик-танлов ҳам юксак савияда ўтди. Унинг барча босқичида иштирок этган икки юздан ортиқ ижодкор жаннатмонанд диёримизнинг кўрку тароватини, тинчликнинг қадрини, миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий меросимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни тараннум этди. Уларнинг ижросини баҳолашда қўшиқ матни ва куйининг ўзаро уйғунлиги, хонанданинг ижро маҳорати каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танловда Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлими милиция отряди командирининг ўринбосари М.Матсаев биринчи ўринга лойиқ топилди.

– Ватан ҳақида куйлаш улкан шараф ва масъулиятдир, – дейди М.Матсаев. – Энг улуғ, энг азиз айёмимиз арафасида шундай нуфузли танловда иштирок этиш катта бахт. Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар яратиш ҳам эл-юрт коригa яраш, унинг равнақи йўлида ҳалол ва фидойи меҳнат қилишдир.

Танлов ғолиби "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири



Отабек Мирсоатов олган сурат

ИСТИҚЛОЛ – ТАҚДИРИМДА

Отабек ЖИЯНБОЕВ,
"Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда катта ютуқларга эришилди, кенг кўламдаги ислоҳотлар олиб борилди. Таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, қурилиш-бунёдкорлик, ишлаб чиқариш, транспорт каби барча йўналишларда мислсиз натижалар қайд этилди.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада катта эътибор қаратилди. Эндигина иш бошлаётган тадбиркорларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ортиқча ҳаракат ва сарф-харажатлари сезиларли даражада камайтирилди. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилиб, бу борада барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. Шунингдек, коммунал, солиқ, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бир қатор енгилликлар берилган.

Мазкур соҳага тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари муҳим аҳамиятга молик. Ажратилаётган маблағлар замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, чекка қишлоқларда ҳам энг сўнгги моделдаги технологиялар билан жиҳозланган мини завод ва корхоналар ташкил этиш имконини бераётир.

Истиқлол йилларида мен ҳам кўплаб ютуқларга эришдим. Булардан энг асосийси 2007 йилда "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ўз тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганим бўлди. Мана саккиз йилдан ортиқ вақт мобайнида тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариб келмоқдамиз. Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган халқаро ва инновация ярмаркалари, кооперация биржалари ва тиббиёт кўргазмаларида фаол иштирок этмоқдамиз. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ жамиятимиз тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Корхонамизда жарроҳлик, физиотерапия ва рентген асбоб-ускуналарини таъмирлаш, текшириш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳам фаолият олиб борилади.

2014 йилда Президентимиз ташаббуси билан ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида "Энг яхши тадбиркор" номига сазовор бўлдим. Танловнинг республика босқичида "Энг яхши инновацион лойиҳа" номинациясида ғолибликни қўлга киритдим. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 августдаги фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Ўз соҳамдан келиб чиққан ҳолда йиғилиш ва учрашувларда тадбиркорларга тажрибам ва малакам бўйича маслаҳатлар бериб бораман. Мақсад битта, пойтахтимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамдир.

Мен ва мен қатори юқори натижаларга эришаётган тадбиркорлар, бошқа соҳа вакилларининг ютуқлари мустақиллигимизнинг шарофати биландир. Шундай экан, ҳар биримиз мустақиллигимизни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш, юртимиз тараққиёти ва ривожланишида муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

“Ҳеч нарса мамлакатни спортчалик дунёга машҳур қила олмайди”, деган ҳикматли иборада олам-олам маъно мужассам.

Биз — соғлом юрт фарзандларимиз

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Дарҳақиқат, келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, маънан етук, зукко, доно бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуслари билан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Болалар, қизлар, ўсмирлар ўртасида спортнинг барча турларини оммалаштиришга эришиш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса бунда 2002 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар, вилоятдаги филиалларининг хизматлари катта бўлмоқда. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни турли хил зарарли одатлар, ёт ғоялар, оқимлар таъсиридан асрашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс бўлаётганлигини бугунги кунда барча юртдошларимиз юракдан ҳис қилишаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Фарзандларимизнинг бақувват, баркамол шахс бўлиб вояга етишлари ҳамда профессионал спорт билан жиддий шуғулланиб, маҳаллий ҳамда халқаро мусобақаларда юртимиз байроғини баланд ҳилпиратаётганлари киши қалбида ғурур ҳиссини уйғотади. Айниқса, болалар ва ўсмирларни спортнинг 60 га яқин тури билан жиддий шуғулланиб, муваффақиятларга эришаётганликлари “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларининг ташкил этилганлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Юнусободлик Хуршида Ҳакимова Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси. Унинг сув спорти билан ёшлигидан шуғулланиб, маълум муваффақиятларга эришганлиги ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлигидан далолат бериб турибди. Болалигидан спортга қизиққан Хуршида Сув спортига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига қатнай бошлади. Спорт мактабининг малакали мураббийлари қўл остида сузиш сирларини пухта ўрганишга интилган Хуршидани муваффақиятлар узоқ кутириб қўймади. Аввалига Тошкент шаҳар ҳамда мамлакат чемпионатларида кўп карра 1-ўринни эгаллаган Хуршида сув спорт турлари бўйича ташкиллаштирилган саккизинчи Осиё чемпионатида илк марта қатнашиб, учинчи ўрин соҳибаси бўлди ва бронза медали билан тақдирланди. XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилган лавҳамиз қаҳрамонига нуфузли халқаро турнирнинг тўртинчи ўрини насиб этди. 2014 йилда Хуршида Ҳакимовага Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлишдек бахт насиб этди. Энг улуғ, энг азиз айём — мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллик байрами кенг нишонланаётган айни кунларда лавҳамиз қаҳрамонининг орзулари бисёр. У келажакда сув спорти бўйича янада улкан марраларни забт этишга аҳд қилган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт янгиликлари



ТЕННИСЧИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Америка Қўшма Штатларида аёллар ўртасида ташкил этилган “Sacramento – 2016” халқаро турнирида ҳамюртимиз Сабина Шарипова кетма-кет Австралия вакилаларига рўбарў бўлмоқда.

Моҳир теннисчимиз-яккалик мусобақаларининг биринчи босқичида австралиялик Сторм Сандерсни 3:6, 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган эди.

Иккинчи босқида Сабина Австралия теннис мактабининг яна бир тарбияланувчиси Присилла Хонга қарши кортга чиқди. Қарийб бир ярим соат давом этган учрашувда ўзбек теннисчиси 6:3, 6:3 ҳисобида зафар қучди.

Шу тариқа, кетмакет қозонилган ғалабалардан сўнг ярим финал йўлланмаси учун ўтказиладиган учрашувда Сабина Шарипова украиналик Елизавета Янчук билан рақобатлашадиган бўлди.

Австрияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Вёргль шаҳрида Россия премьер-лигаси вакили — “Уфа” клуби билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этди.

ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИДА ДУРАНГ НАТИЖА

Баҳснинг иккинчи дақиқасидаёқ россияликларнинг хорижлик ҳужумчиси Марсиньо ҳисобни очди. Орадан ўн етти дақиқа ўтиб бурчак зарбасидан етказиб берилган тўпни Элдор Шомуродов боши билан дарвозага йўллади ва ҳисобнинг 1:1 кўриниш олишини таъминлади.

Бу гол футболчиларимизга қўшимча куч берди чоғи, ҳамюртларимизнинг кейинги ҳужумида “Пахтакор” ярим ҳимоячиси Жамшид Искандаров аниқ ва кучли зарбаси билан Ўзбекистоннинг иккинчи голига муаллифлик қилди. Бироқ беллашувнинг 59-дақиқасида Марсиньо Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарвозаси томон белгиланган пенальтини аниқ амалга оширди ва ҳисобни тенглаштирди. Бу учрашувдаги сўнгги гол бўлиб қолди.

Ботир ХЎЖАЕВ

“101”

ЖАЗИРАМА КУНЛАРДА ЭҲТИЁТКОРЛИК ЧОРАЛАРИ

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун корхона ҳудудидан ўз вақтида қуруқ ўт ва маиший чиқиндиларни олиб чиқиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз зарур. Корхона бинолари ва ҳудудида очиқ оловдан фойдаланмаслик, қолаверса электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган вақтда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Ойбек ЮСУПХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар ЗЗ-ҲЁҲҚ инспектори, сержант

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Абдували Ғаффоров (исм-фамилия ўзгартирилган) Қўқон шаҳрида туғилган, 31 ёшда, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор. Илгари жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур судининг ажримига кўра судланган бўлишига қарамай бундан тегишли хулоса чиқармади.

А.Ғаффоров Қўқон шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан давлат рўйхатидан ўтган масъулияти чекланган жамиятининг ишончли вакили бўлиб ишлаб келарди.

2015 йил 20 октябрь куни Хитой компанияси билан МЧЖ ўртасида автомобиллар учун янги газ баллонларни сотиб олиш юзасидан шартнома тузилади. Унга кўра, жамият номига 90 литр сиғимдаги газ баллонлар импорт қилиниши лозим бўлади. Расмийлаштирилган юк хати асосида Хитой Халқ Республикасидан 100 литр сиғимдаги автомобиллар учун янги бўш газ баллонларни импорт қилиб, Тошкент шаҳар божхона бошқармасига қарашли “Чуқурсой” ТИФ божхона постига жамият номига 6 минг АҚШ долларлик 600 ўриндан иборат, нетто оғирлиги 58 минг 800 кг. га тенг бўлган “CHG -1” маркали 90 литр сиғимдаги автомобиллар учун янги бўш газ баллонлар келганлиги ҳақидаги нотўғри маълумотларни тақдим қилган.

Адлия вазирлигидан 2015 йил 11 сентябрь куни 2714-сон билан рўйхатдан ўтган Давлат божхона қўмитасининг “Товар ва транспорт воситаларини давлат божхона хизмати органи ходимлари томонидан кўздан кечириш ҳамда божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда ДБҚ нинг 2011 йил 8 сентябрь кунги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларини божхона кўриги ва расмийлаштирувдан ўтказиш бўйича Йўриқнома” талабларига зид равишда, божхона тўловларини тўлашдан қочиш мақсадида йўл кузатув ва юк ҳужжатларида кўрсатилмаган 600 ўриндан иборат бўлган “CHG -1” маркали 100 литр сиғимдаги жами 960 млн. сўмлик газ балонларни божхона қонун ҳужжатларини бузган ҳолда божхона назоратидан яшириб, декларацияда қайд этмасдан мамлакатимиз ҳудудига олиб кирган.

2015 йил 10 ноябрь куни “Чуқурсой” ТИФ божхона пости ходимлари томонидан МЧЖ номига келтирилган газ баллонлар божхона текширувидан ўтказилиб, 90 литр сиғимдаги газ баллонлар ўрнига 100 литр сиғимдаги газ баллонлар импорт қилинганлиги аниқланган ва баллонлар ашёвий далил тариқасида олиниб, иш судга оширилган.

Суд мажлисида судланувчи А.Ғаффоров айбига иқрорлик билдирмасдан, бу ишлардан хабари йўқлигини айтди. МЧЖ директори О.Норматов газ балонлар вагонларга ортиб юборилаётган вақтида корхона ходимларидан ҳеч ким иштирок этмаганлигини баҳона қилди.

Олиб келинган товарлар божхона текширувидан ўтказилганда давлат божи тўлиқ тўланмаганлиги аён бўлиб қолди.

Суд судланувчи А.Ғаффоровнинг ҳаракатларини Жиноят Кодексининг 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан терговда тўғри малакаланган деб топди, унга нисбатан ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима ва 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади.

А.ТОЖИБОЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2016 йил 16 август куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион савдоси”га қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Мировдот туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: 1.1. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 27-уйда жойлашган “ИИББ Ахборот маркази” омборхонасида сақланаётган: ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 04.05.2015 йилдаги 1-219/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 19 391 620 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01B254NA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 24.10.2014 йилдаги 1-761/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 18 903 490 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01C810PA, “Матиз Бест” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 19.02.2016 йилдаги 1-882/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 17 242 991 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X845AA, “Дамас” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.08.2014 йилдаги 1-528/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 18 880 028 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 60Q554EA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 23.12.2014 йилдаги 1-801/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 16 621 805 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 01Z093JA, “Матиз Бест” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 20.01.2015 йилдаги 1-06-15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 22 600 240 сўм бўлган 2011 йилда и/ч, д/р 01H992KA, “Матиз МХ б/к ГБО СПГ” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 11.07.2014 йилдаги 1-238/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 12 888 747 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 01F286EA, “ВАЗ-2107” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 28.04.2015 йилдаги 1-149/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 29 753 388 сўм бўлган 2008 йилда и/ч, д/р 01T896OA, “Нексия Донс” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Мировдот туман судининг 26.01.2015 йилдаги 1-17/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 21 159 233 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01O531FA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 13.04.2012 йилдаги 1-136/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 27 795 355 сўм бўлган 2011 йилда и/ч, д/р 40U413CA, “Спарк” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 12.09.2014 йилдаги 1-574-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 23 773 232 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 70P604HA, “Нексия Донс” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 03.02.2016 йилдаги 1-5-7/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 26 743 816 сўм бўлган 2008 йилда и/ч, д/р 01Z695SA, “Дамас” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 12.09.2011 йилдаги 703/11-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 18 790 809 сўм бўлган 2004 йилда и/ч, д/р 10L067DA, “Дамас” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 25.07.2014 йилдаги 1-464/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 19 042 579 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01T140KA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 04.03.2015 йилдаги 1-27/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 27 344 313 сўм 4 тийин бўлган 2011 йилда и/ч, д/р 01F941PA, “Спарк” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 05.02.2016 йилдаги 1-83/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 32 514 160 сўм бўлган 2015 йилда и/ч, д/р 01W798UA, “Матиз Бест” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 20.08.2014 йилдаги 1-271/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 28 015 259 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01P592NA, “Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 11.07.2013 йилдаги 1-284/2013-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 8 728 710 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 90W136CA, “Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Мировдот туман судининг 28.11.2014 йилдаги 1-859/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 20 626 036 сўм бўлган 2011 йилда и/ч, д/р 01O636JA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 17.02.2016 йилдаги 1-37/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 29 797 500 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01D460UA, “Спарк” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 20.11.2015 йилдаги 1-580/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 22 997 812 сўм бўлган 1999 йилда и/ч, д/р 10U702EA, “ГБА-СПГ-Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 05.11.2016 йилдаги 1-463/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 22 551 889 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01Q744CA, “ГБА-СПГ-Леганзе” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.08.2014 йилдаги 1-528/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 18 337 393 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р 01R586MA, “Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 10.10.2013 йилдаги 654/13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 3 623 287 сўм бўлган 1977 йилда и/ч, д/р 3 623 287, “ВАЗ-2106” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 21.06.2010 йилдаги 517F10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 1 920 605 сўм бўлган 1992 йилда и/ч, д/р 30C7832, “Москвич-21412” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 24.01.2014 йилдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 8 245 604 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X726NA, “Тико” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 02.03.2012 йилдаги 1-98/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 5 053 903 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, д/р 01D976EA, “ВАЗ-2105” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 21.10.2014 йилдаги 1-495/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 17 200 696 сўм бўлган 1999 йилда и/ч, д/р 01Y972MA, “Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 15.03.2016 йилдаги 1-131/2016-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 11 864 591 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, д/р 01T679NA, “ВАЗ-21061” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 18.03.2016 йилдаги 1-329/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 5 222 670 сўм бўлган 1976 йилда и/ч, д/р 01O646KA, “ВАЗ-2101” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 18.05.2015 йилдаги 1-275-15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 5 320 000 сўм бўлган 1981 йилда и/ч, д/р 01N429MA, “ВАЗ-21011” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 06.11.2015 йилдаги 1-599/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 3 655 556 сўм бўлган 1989 йилда и/ч, д/р 01Q189MA, “ВАЗ-21063” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 25.08.2015 йилдаги 1-662/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 5 015 000 сўм бўлган 1978 йилда и/ч, д/р 01P840BA, “ВАЗ-2101” р-ли ав-на; 1.2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 28.02.2014 йилдаги 2-249/14-сонли ижро варақасига асосан, МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган бошланғич баҳоси 1 304 921 сўм бўлган 1987 йилда и/ч, д/р 11D205, “ЯВА-350” р-ли мотоналиёт; 1.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 05.11.2015 йилдаги 30-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент шаҳар бошқармасида сақланаётган: бошланғич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, д/р 01/3227AA, “CHEREAU” р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, д/р 01/4519AA, “SHMITZ” р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 68 500 000 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01/3126AA, “CHEREAU SKO-24” р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 115 000 000 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X868LA, “MAN-19463 FLTN” р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 112 200 000 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 01X820LA, “Mercedec-Benz Actiroc-1844” р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 165 000 000 сўм бўлган 2005 йилда и/ч, д/р 01O820LA, “Mercedec-Benz Actiroc-1844” р-ли юк ав-на; 1.4. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 04.03.2016 йилдаги 1-2322/16-сонли ижро варақасига асосан “Зафар-И” божхона омборида сақланаётган: бошланғич баҳоси 385 092 000 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, давлат рақамисиз, “SINOTRUK HOWO” р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 6 423 000 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, давлат рақамисиз, “JLA-21B” р-ли квадроцикл; бошланғич баҳоси 204 753 000 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р WRA 22019, “VOLVO FH-12” р-ли юк ав-на; 1.5. “Space Arsenal Service” МЧЖда сақланаётган: ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 30.06.2014 йилдаги 1-303/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 4 259 120 сўм бўлган 1974 йилда и/ч, д/р 01V046JA, “ВАЗ-2103” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 18.05.2014 йилдаги 1-366/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 16 192 952 сўм бўлган 2001 йилда и/ч, д/р 30/090TTE, “Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 25.12.2014 йилдаги 1-1000/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 23 911 106 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01F182NA, “Матиз Бест” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 26.09.2014 йилдаги 1-607/14-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 29 389 393 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 10M404GA, “Спарк” р-ли ав-на; 1.6. ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 11.11.2015 йилдаги 1-758/2015-сонли ижро варақасига асосан, Транспорт ИИБ жарима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 26 264 000 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 10H331CA, “ГБА-СПГ-Нексия” р-ли ав-на; 2. Чилонзор туман СИБ томонидан хатланган: Тошкент Ҳарбий округ Ҳарбий судининг 19.06.2015 йилдаги 15/15-сонли ижро варақасига асосан Ҳарбий автомобиль назорати жарима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 39 438 161 сўм 20 тийин бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 10U717DA, “Lasetti CDX” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 14.01.2015 йилдаги 1-03/15-сонли ижро варақасига асосан “Чорсу” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 24 180 235 сўм 05 тийин бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01Q789KA, “Спарк” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 19.06.2015 йилдаги 1-289/2014-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси “Божхона қўмитаси”нинг омборхонасида сақланаётган бошланғич баҳоси 38 581 875 сўм бўлган 2005 йилда и/ч, д/р M2529, “Nissan Maksima” р-ли ав-на ҳамда бошланғич баҳоси 50 156 438 сўм бўлган 2005 йилда и/ч, д/р M4492, “Lincoln Town Car” р-ли ав-на.

2016 йил 30 август куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион савдоси”га қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Бектемир туман СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳар “ИИББ Ахборот маркази” омборхонасида сақланаётган: ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 30.07.2014 йилдаги 1-442/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 15 680 135 сўм 70 тийин бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01E364CA, “Матиз Бест” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 13.07.2015 йилдаги 1-432/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 19 027 800 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01/823TTB, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 14.07.2015 йилдаги 1-451/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 15 766 734 сўм 33 тийин бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01R654CA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 19.02.2015 йилдаги 1-89/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 17 031 768 сўм 20 тийин бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01D854TA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 05.06.2015 йилдаги 1-131/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 18 423 627 сўм 19 тийин бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 01D521PA, “Матиз” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 15.09.2015 йилдаги 1-541/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 39 060 000 сўм бўлган 2005 йилда и/ч, д/р 01F717AA, “Ласетти” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 11.04.2014 йилдаги 1-306/2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 21 160 689 сўм 75 тийин бўлган 2008 йилда и/ч, д/р 10E718GA, “Нексия” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 20.05.2014 йилдаги 1-126/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 20 906 847 сўм 10 тийин бўлган 2008 йилда и/ч, д/р 01C814KA, “ГБА-СПГ-НексияДонс-2” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 24.02.2015 йилдаги 1-06/15-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 19 368 163 сўм 53 тийин бўлган 1999 йилда и/ч, д/р 10J307DA, “Нексия” р-ли ав-на; 2. Тошкент Ҳарбий округ Ҳарбий судининг 25.11.2015 йилдаги 34-3/15-сонли ижро варақасига асосан Чилонзор туман СИБ томонидан хатланган, Чилонзор туман СИБ ҳовлисида сақланаётган бошланғич баҳоси 52 800 000 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01S229SA, “Cobalt” р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган “Савдо ташкилотчиси”нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Савдо ташкилотчиси”нинг АТБ “*Infin*BANK”даги, МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **27 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ